

**“O’zmaxsusmontajqurilish” АК  
ягона акциядорининг  
2022 йил “8” июлдаги  
79/08-2-қр – сонли Қарорига  
6-илова бўлиб  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“O’ZMAXSUSMONTAJQURILISH”  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ  
(ЯНГИ ТАҲРИРДА)**

## **1. УМУМИЙҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни вабошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, “O’zmaxsusmontajqurilish” АКнинг (кейинги ўринларда - “Компания”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатлари, ҳуқуклари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда кенгаш йиғилишларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Компания устави билан ягона акциядорваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бунданмустасно.

## **2. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

3. Компания кузатув кенгаши ваколат доирасига қўйидагиларкиради:

бизнес-режани маъқуллаш (бунда Компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим);

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни танлов асосида жалб этиш;

ягона акциядорга тўланадиган дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

йирик битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

филиалларни ташкил этиш, ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда тузиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

бошқарув раиси ва аъзолари лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий

менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

ижроия органи, ички назорат органи, коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Компания ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун эксперталарни жалб этиш;

компания ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, уни жорий этиш бўйича акциядорга тавсия бериш;

йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартлариға мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш учун малакали хизмат кўрсатувчи аудиторлик ёки консалтинг ташкилотларини жалб этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядор томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда қабул қилиш;

корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

барча инвесторларга, уларнинг даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқесидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлаш;

мазкур Низом ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ кенгаш ваколатлариға киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

4. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИМУДДАТИДАН ИЛГАРИТУГАТИШ**

5. Компания кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Компания уставида назарда тутилган тартибда Компания ягона акциядори қарори билан 3 (уч)йил муддатгасайланади.

6. Компания кузатув кенгашининг сон таркиби **5** кишиданиборат бўлиб, кузатувкенгаш таркибининг учдан икки қисмидан иборат мустақил аъзолари ташкил этиши лозим. Мустақил аъзоликканомзодлар компаниянинг ягона акциядори томонидан берилади.

7. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишимумкин.

8. Ижроия органи аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидамехнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Компаниянинг

кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9. Компанияда меҳнат шартномасиосида ишлаётган шахслар кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкинэмас.

10. Кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан куйидаги ҳолатларда озодэтилади:

ёзма ариза бергантақдирда;

ваколатларидан маҳрум этилганда;

ўзининг мажбуриятларига риояқилмаганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда;

соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга қўра вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолганда.

11. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш Компания ягона акциядори қарори билан амалгаоширилади.

12. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар Компания уставида ёки ягона акциядоритомонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилишимумкин.

#### **4.КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИГАҚЎЙИЛАДИГАНТАЛАБЛАР**

13. Кузатув кенгаши аъзолари корпоратив бошқарув, менежмент, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маркетинг соҳасиларидан бирибўйича билим ва кўнилмаларга эга бўлишларилозим.

14. Давлат улуши томонидан кузатув кенгашига номзодлар (қонунчиликда ўрнатилган ҳолатлардан ташқари) Корпоратив бошқарувчи малака аттестати ёки сертификатга эга бўлиши лозим.

#### **5. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГРАИСИ**

15. Компания кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билансайланади.

16. Кенгаш раиси кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан қайта сайлашиши мумкин.

17. Кузатув кенгаши раиси кенгаш ишини ташкил этади, унинг мажлисларини чақиради, раислик қилади ва мажлис баённомаси юритилишини

ташкил этади.

18. Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалгаоширади.

## **6. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГМАЖЛИСЛАРИ**

19. Кузатув кенгаши мажлисларикенгаш раиси ёки кенгашнинг бошқа аъзоларини ташаббуси билан, шунингдек, ижроияргани ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига қўра чақирилади.

20. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камидан бир марта чақирилади. Мажлисда мажбурий тартибда қуийдагилар кўрибчиқилади:

ижроиярганининг компания йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, Компания таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидагиҳисоботлари;

ижро этувчи органининг ҳисботини ҳар чоракда камидан бир марта кузатув кенгашининг мажлисларида, шу жумладан, видеоконференцалоқа тизими орқали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитиш;

йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битими тузилиши;

ички аудит хизматиҳисоботи;

21. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75(етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслигикерак.

22. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Компания уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Компания кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгабўлади.

23. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозгаэга.

24. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарорларни қабул қилиш Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабулқилинади.

25. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўлқўйилмайди.

26. Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Мажлис

баённомаси котиб томонидан юритилади. Мажлис баённомаси мажлис үтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмайтузилади.

27. Мажлис баённомасида қуидагиларкўрсатилади:

мажлис үтказилган сана, вақт важой;

мажлисда ҳозир бўлганшахслар;

мажлиснинг кунтартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан үтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинганқарорлар.

28. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарбўлади.

29. Мажлис баённомаси имзоланган куни ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

30. Кузатув кенгаши қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Сўров йўли билан үтказиладиган йиғилишлар мазкур Низомга илова қилинган бюллетенни юбориш орқали амалга оширилади. Бюллетен Компания кузатув кенгаши аъзоси томонидан шахсан тўлдирилиб, имзоланади. Бироқ, хар чоракда ижро органининг ҳисботини эшлиши бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) үтказишга йўл қўймайди.

31. Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомаси Кузатув кенгаши котиби томонидан тузилади.

32. Кузатув кенгашининг котиби Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши котиби сифатида, қоида тариқасида, Компаниянинг корпоратив муносабатлар ходимига юклатилади.

33. Кузатув кенгашининг котиби бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

34. Кузатув кенгиши фаолиятини таъминлаш учун Кузатув кенгиши котиби барча зарур чораларни кўради.

35. Кузатув кенгашининг котиби:

кузатув кенгашининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашни ташкиллаштиради;

кузатув кенгаши мажлисларини чақириш тўғрисидаги талабномаларни қабул қиласи ва хабарномаларни юборади;

овоз бериш бюллетенларни, Кузатув кенгаши мажлисларига хужжатлар ва

материалларни тарқатади;

кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларни қабул қилади;

кузатув кенгаши мажлислари баённомаларини юритади ва сиртдан овоз бериш натижалари бўйича баённомаларни тайёрлайди;

мазкур Низомга, Компаниянинг ички хужжатларига ва Кузатув кенгаши раисининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

36. Мазкур низомда назарда тутилган хужжатлар ва материаллар Кузатув кенгаши котиби олган сана Кузатув кенгашига тақдим этилган сана деб ҳисобланади.

Компаниянинг ички хужжатларида Кузатув кенгаши котибига у ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ (мукофот) тўланиши назарда тутилган бўлиши мукин.

## **7. КУЗАТУВ КЕНГАШИАЪЗОЛАРИНИНГХУҚУҚ ВАМАЖБУРИЯТЛАРИ**

37. Кузатув кенгаши аъзоси қуидаги хуқуқларгаэга:

кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

кузатув кенгаши қарорига кўра муайян давр учун Компаниянинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги маълумотларолиш;

компаниямолиявий натижаларига кўра қонунчиликда ва компаниянинг ички хужжатларида ўрнатилган тартибда ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларниолиш;

компания кузатув кенгаши раиси ва аъзолари компания ягона акциядори қарори билан тасдиқланган “Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) тўғрисида”ги Низомга мувофиқ моддий мукофот олиш;

қонунчиликда ва компания уставида кўзда тутилган бошқаҳуқуқлар.

38. Кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Компания ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича ишчи гурухлар ҳамдакузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш, этика ва бошқа қўмиталарини ташкил этиш.

39. Кузатув кенгаши аъзоси қуидагиларгамажбур:

компания билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Компанияни хабардорэтиши;

лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Компания манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалгаошириш;

қонунчиликда ва Компания уставида кўзда тутилган бошқамажбуриятлар.

40. Кузатув кенгаши аъзолари Компания акциядори, ижроия ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликнитаъминлайди.

41. Кузатув кенгаши аъзолари Компания имкониятларидан (мулкий ва номулкий хукуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Компаниянинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳукуқига эгаэмас.

## **8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

42. Компания кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун хужжатларида ва Компания уставида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

43. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарликбўлади.

44. Компанияга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания кузатув кенгаши аъзолари жавобгарбўлмайди.

45. Компания акциядори Компанияга етказилган заарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишгаҳақли.

## **9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

46. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликкатортилади.

47. Агар мазкур Низомнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Компаниянинг уставига зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Компания уставига амалқилинади.

43. Ушбу Низомнинг амалга киритилиши муддати 01.07.2022 йилдан кучга

киради.